

ДИЗАРТРИЯ НУТҚ КАМЧИЛИГИГА ЭГА БОЛАЛАР НУТҚИ УСТИДА ИШЛАШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛЛАРИ ВА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Ushbu maqolada dizartriya nutq kamchiligiga ega bolalar nutqi ustida ishlashning samarali usullari va innovatsion texnologiyalari aytib o'tilgan. Shuningdek, qo'llaniladigan texnologiyalarning olib borilishi va natijalari ochib berilgan.

Kalit so'zlar. Dizartriya, duduqlanish, alaliya, afaziya, rinolaliya, texnologiya, metod.

В статье рассматриваются эффективные методы и инновационные технологии работы над речью у детей с дизартрией. Также раскрыты реализация и результаты примененных технологий.

Ключевые слова. Дизартрия, заикание, алалия, афазия, ринолалия, технология, метод.

The article discusses effective methods and innovative technologies for working on speech of children with dysarthria. The implementation and results of the applied technologies are also disclosed.

Key words. Dysarthria, stuttering, alalia, aphasia, rhinolalia, technology, method.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида таълим тизимига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиб келинмоқда. Ҳозирги вақтда таълим тизимида, жумладан биринчи босқич мактабгача муассасаларни ташкил этишда босқичма-босқич амалга ошириладиган кенг қўламли ислохатларнинг самарали олиб борилишини таъминлаш зарурати юзага келмоқда. Мактабгача таълим узлуксиз таълим тизимининг бошланғич бўғини сифатида Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва қатор ҳужжатлар асосида ташкил этилади. Мактабгача таълим ва умумий ўрта мактаблар соғлом, ҳар томонлама етук болаларни тарбиялаш учун зарур ташкилий, услубий, психологик, педагогик шарт-шароитлар яратади, болаларни мактабда мунтазам равишда таълим олишга тайёрлашда ота-оналарга ёрдам беради. Мактабгача таълим бола 6-7 ёшга етгунча оилада ҳамда давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида амалга оширилади.

Кўп тармоқли махсус мактабгача таълим ташкилотларига 3-7 ёшгача нутқидан нуқсонли бўлган болалар: алалия, болалар афазияси, ринолалия, дизартрия, дудуқланиш каби нутқ камчиликлари қабул қилинади.

Алалия – бош мия қобиғидаги нутқ зоналарининг боланинг она қорнидаги ёки илк ривожланиш даврида органик шикастланиши натижасида нутқнинг йўқ бўлиши ёки ривожланмай қолиши.

Афазия – бош миянинг муайян жойи шикастланиши билан боғлиқ ҳолда нутқнинг тўлиқ ёки қисман йўқолиши.

Ринолалия – товуш тембри ва талаффузининг нутқ аппаратидаги анатомик-физиологик нуқсонлар билан боғлиқ ҳолдаги бузилишидир.

Дудуқланиш – нутқ аппарати мушакларининг ва ихтиёрий пай тортишиш натижасида суръат-оҳангнинг бузилишидир.

Дизартрия – нутқ аппарати иннервациясининг органик бузилиши сабабли нутқнинг талаффуз томонидан бузилишидир.

Кўп тармоқли махсус мактабгача таълим ташкилотларида дизартрия нутқ камчилигига эга бўлган болаларда олиб бориладиган коррекцион-педагогик ишларда турли хил педагогик технологиялардан фойдаланиш ижобий натижа беради.

Логопедик машғулотларнинг яқка тартибда ҳамда гуруҳли шаклларида анънавий усуллардан ташқари болаларнинг фаол ҳаракатларини ташкил этишга мўлжалланган интерфаол усуллар ҳамда турли таълим технологияларидан фойдаланиш тавсия этилади. Шу ўринда назарий манбаларда педагогик технологиялар ҳамда инновацион таълим технологияларнинг шарҳларини ўрганишга эҳтиёж туғилади. Манбаларни ўрганиш орқали амалиёт учун логопедик машғулотларда инновацион таълим технологияларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланади. “Педагогик (таълимий) технология – бу илмий асосда тузилган, ватқда ва жой бўйича дастурлаштирилган ҳамда кўзланаётган натижаларга олиб келувчи, педагогик жараёни барча таркибларни ҳаракатланиш тизимидир. Ҳозирги вақтда педагогик технология ўқитишнинг техник воситалари ёки компьютерлардан фойдаланиш соҳасидаги тадқиқотларга қаралмайди. Балки бу таълим самарадорлигини оширувчи омилларни таҳлил қилиш, ишлаб чиқишда ҳамда усул ва материалларни, шунингдек, қўлланиладиган усулларни баҳолаш йўли орқали таълим жараёнининг асослари ва уни мақбуллаштириш йўллари ишлаб чиқишни аниқлаш мақсадидаги тадқиқотдир”.

Кўп тармоқли махсус мактабгача таълим ташкилотларида дизартрия нутқ камчилигига эга бўлган болаларнинг фонетико-фонематик нутқ камчиликларини бартараф этишда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг муҳим омили сифатида машғулотдан кўзланган мақсадни тўғри шакллантириш лозим. Яъни коррекцион мақсадни кўзлаган инновацион ўқув муҳитининг мақсади – дизартрия нутқ камчилигига эга болалар нутқининг фонетико-фонематик томонини тузатиш орқали болаларда ўз-ўзини намоён қилиш кўникмаларини шакллантириш ҳамда ўқиш мотивациясини ривожлантириш ҳисобланади.

Нутқ камчиликларни бартараф этишда болаларнинг нафақат нутқий муаммолари, балки умумий ривожланишидаги тўсиқларни бартараф этиш мақсадидан келиб чиққан ҳолда вазифалар, тамойиллар ва методлардан кенг фойдаланилади.

Маълумки, ҳар қандай соҳадаги каби, таълим, хусусан, коррекцион жараён вазифаси – кўзланган мақсаддан келиб, бажариладиган ишлар йиғиндисидир.

Коррекцион-педагогик ишнинг асосий вазифалари умумпедагогик жараёндаги каби таълимий, тарбиявий, коррекцион каби йўналишларда белгиланади.

Миллий педагогика амалиётида таълим ва тарбия бир-биридан ажралмас жараён сифатида амалга оширилади. Таълим ўз моҳиятига кўра, маълум мақсадга йўналтирилган, муайян режали равишда амалга ошириладиган жараёндир. Бунинг натижасида болада маълумот, тарбия ва умумий шаклланиш, ривожланиш амалга ошади.

Коррекцион жараён ўз мақсад ва вазифаларини амалга ошириш орқали нутқида нуқсонни бўлган болаларнинг шахс сифатида шаклланишига ҳам таъсир қилади. Маълумки, тарбия муайян, аниқ мақсад ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида ёш авлодни ҳар томонлама ўстириш, унинг онги, хулқ-атвори ва дунёқарашини таркиб топтириш жараёнидир.

Махсус педагогика ривожланишида турли психологик ва физиологик нуқсонлари бўлган болаларни тарбиялаш ва ўқитиш билан боғлиқ муаммоларни ўрганиши орқали ривожланишида нуқсонни бўлган болаларни махсус метод ва тамойиллар ёрдамида камчиликларини бартараф этилади.

“Метод – сўзи кенг маънода муайян мақсадга эришиш йўли, таълим тарбияни сифатли ва мазмуни ташкил этишга қаратилган йўл, усулдир”.

Коррекцион-педагогик жараёнда умумий методлардан кенг фойдаланилади, булар оғзаки, кўргазмали ва амалий методлардир. Метод хусусий фанларни ўқитиш хусусиятларини ўрганади.

1. Фанларни ўқитишда ўқув материални оғзаки баён қилиш. Болалар томонидан билимларни ўзлаштириш дефектолог логопеднинг тушунтиришини фаол қабул қилиш ва пухта ўйлаш эвазига амалга оширилади. Билимларни узатиш воситаси сифатида логопед нутқи муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда логопеднинг болалар фаолиятига раҳбарлиги мавзунни қўйиш, режани эълон қилиш, болалар фаолиятини бошқаришдан иборат бўлади. Оғзаки методлар асосида жараёнда болаларга ҳикоя қилиб бериш, турли мавзуларда суҳбат, тушунтириш каби ишлар амалга оширилади.

2. Кўргазмали метод бу – логопед томонидан берилаётган маълумотнинг кўргазмали қуроллар ёрдамида етказилишидир.

Коррекцион жараёнда кўргазмали методлардан фойдаланишда самарадорликка эришишда қуйидаги шартларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир:

- кўргазмалиликнинг болаларнинг ёши ва ривожланиш даражасига мос келиши;
- намойиш этилаётган объектлар барча болаларга яхши кўриниб туриши;
- намойишда унинг бошланғич босқичи ва асосий жараён (ҳолат)ларнинг ажралиб туриши;
- тажрибалар намойиши макет, жиҳоз, қуроллар, муляжларни кўрсатиш асосида ташкил этилиши;
- намойиш ва иллюстрация ўқув материалнинг мазмуни билан уйғун бўла олиши лозим.

3. Амалий методлар болалар томонидан ўзлаштирилган назарий билимлар ёрдамида уларда амалий кўникма ва малакаларни ҳосил қилишда алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзлаштирилган билимларни амалий масалалар ечимини топишга йўналтирилган жараёнда қўллашни тақозо этади. Бунда назарий билимларни амалиётда қўллаш кўникмаси ҳосил қилинади.

Дизартрия нутқ нуқсонига эга бўлган болаларда коррекцион логопедик ишларни ташкил этишда турли хил технологиялардан фойдаланиб ўйин шаклида олиб борилади, буларга қуйидагиларни келтирамиз:

1. Тери сезгирлигида мўлжал олиш технологияси. Бунда ўйин ва логопедик машқлар ёрдамида болаларни артоф муҳитда тўғри мўлжал олиш орқали боланинг нутқ камчиликларини бартараф этиш, фонематик эшитиш идрокига ва умумий моториканинг ва фонетико-фонематик нутқнинг ривожланишига таъсир

этиш ишлари ташкил этилади. Шунингдек, нутқий нафас ва биоэнергопластикани ривожлантириш ишлари ҳам биргалиқда олиб борилади.

5-7 ёшли дизартрия нутқ нуқсонига эга бўлган болалар “Ҳаракатдаги рўмолча” технологияси

Мақсад: Дизартрия нутқ нуқсонига эга бўлган болаларда махсус танланган ўйин ва логопедик машқлар ёрдамида артоф муҳитда тўғри мўлжал олиш орқали боланинг нутқ камчиликлари бартараф этиш, фонематик эшитиш идрокига ва умумий моторикани ривожланишига таъсир этиш, фонетико-фонематик нутқни ривожлантириш.

Кутиладиган натижа: Дизартрия нутқ камчилигига эга бўлган болаларда тўғри мўлжал олиш, оғзаки нутқ ва умумий моторикани ривожлантириш ҳамда фонетико-фонематик нутқни ривожлантириш.

Жиҳоз: рўмолча.

Технологияни қўллаш жараёни: Логопед боланинг кўзини рўмол билан ёпиб қўяди ва бир марта болани айлантиради. Сўнгра атрофида ўртоқлари уни чақиради. Кўзлари рўмол билан ёпилган бола бир болани ушлаб уни бармоқлари билан пайпаслаш орқали ким эканлигини айтиб бериш сўралади. Агар тўғри топса болалар ўрин алмашадилар. Ўйин шу зайлда 25-30 дақиқа давом этади.

Эришилган натижа: Болаларнинг атрофда мўлжал олиш кўникмалари, умумий моторика ва фонетико-фонематик нутқи ривожланади.

2. Бармоқлар ҳаракатини ривожлантириш технологияси. Ушбу педагогик технология ёрдамида боланинг майда қўл моторикаси ривожланишига ҳамда нутқнинг самарали ривожланишига таъсир этади ва нутқ-эшитув камчиликларни бартараф этилади. Болалар бармоқлар билан шуғуланиш вақтида бош миянинг нутқ марказлари ривожланади (Брока маркази). Шунингдек, бармоқлар ҳаракатини ривожланиши орқали боланинг хотираси ҳам яхши ривожланади. Чунки бирор бир шеърни ёд олиш ёки бирор бир ўйинни эслаб қолиш кетма-кетлигини эслаб қолиш керак.

5-5,5 ёшли дизартрия нутқ нуқсонига эга бўлган болалар

Мақсад: Дизартрия нутқ камчилигига эга бўлган болаларда бармоқлар ҳаракатчанлигини ривожлантириш, нутқ камчиликларни бартараф этиш ва фонетико-фонематик нутқни ривожлантиришдир.

Кутиладиган натижа: Дизартрия нутқ камчилигига эга бўлган болаларда бармоқлар ҳаракатчанлиги ривожлантириш билан биргалиқда нутқни ривожлантириш, шунингдек фонетико-фонематик нутқни ривожлантиришдан иборат.

Жиҳозлар: Айиқ ва қуён ҳайвонли юмшоқ ўйинчоқлар ва уларнинг тугмалари.

Технологияни қўллаш жараёни: Болалар олдида қўйилган айиқ ва қуён ўйинчоқлар устидаги кийимни тугмасини қадаб қўйиш сўралади. Тугмаларни қадашда кетма-кетлиқда риоя этиш лозим бўлади. Сўнгра боладан нимани бажарганини гапириб бериши керак.

Эришилган натижа: Болаларда нутқ билан биргалиқда майда қўл моторикалари ва фонетико - фонематик нутқ ривожланади.

5-7 ёшли дизартрия нутқ нуқсонига эга бўлган болалар “Сувни англаш” технологияси

Мақсад: Дизартрия нутқ камчилигига эга бўлган болаларда бармоқ учларининг сезгирлигини, бармоқлар ҳаракатчанлиги ва фонетико-фонематик нутқни ривожлантиришга қаратилади.

Кутиладиган натижа: Дизартрия нутқ камчилигига эга бўлган болаларда бармоқ ҳаракати ва сезгирлигини ошириш, фонетико-фонематик нутқни ривожлантириш.

Жиҳозлар: илиқ сув, совуқ сув ва идишлар.

Эришилган натижа: Дизартрия нутқ камчилигига эга бўлган болаларда умумий моторика, аниқ ҳаракатларни бажариш, фазода тўғри мўлжал олиш, фонетико-фонематик нутқни ривожланади.

5. Қум терапияси технологияси. Махсус танланган пердметлар ёрдамида боланинг бармоқлар ҳаракати ва сезгирлигини фаоллаштириш, оғзаки нутқни ва фонематик эшитувни ривожлантириш.

5-5,5 ёшли дизартрия нутқ нуқсонига эга бўлган болалар

“Тандир” технологияси

Мақсад: Дизартрия нутқ камчилигига эга бўлган болаларда бармоқлар ҳаракати ва сезгирлигини фаоллаштириш, оғзаки нутқни, фонетико-фонематик нутқни ривожлантириш.

Кутиладиган натижа: Дизартрия нутқ камчилигига эга бўлган болаларда бармоқлар ҳаракати ва бармоқ учи сезгирлигини ошириш, оғзаки нутқни, фонетико-фонематик нутқни ривожлантириш.

Жиҳозлар: Учбурчак, доира, квадрат геометрик шакллар тасвирланган расмли карточкалар.

Технологияни қўллаш жараёни: Логопед аввал болага учбурчак, доира, тўртбурчак геометрик шакллар тасвирланган расмли карточкаларни кўрсатади. Сўнгра боладан ушбу геометрик шаклларни қумдага тасвирини ҳамда қумдан ушбу геометрик шаклларни ясаб беришни сўрайди (гуруҳли машғулот асосида ҳам олиб бориш мумкин).

Эришилган натижа: Дизартрия нутқ камчилигига эга бўлган болаларда бармоқлар ҳаракати ва бармоқ учи сезгирлиги ошади, оғзаки нутқни ҳамда фонетико-фонематик нутқни ривожланади.

6. Изотерапия технологияси. Расм чизиш орқали боланинг бармоқлар ҳаракатчанлиги, мўлжал олиш малакаси, кўрув диққати, расмлардан фойдалана олиш ва фонетико-фонематик нутқни ривожлантиришдан иборат.

5-5,5 ёшли дизартрия нутқ нуқсонига эга бўлган болалар

Мақсад: Дизартрия нутқ камчилигига эга бўлган болаларда бармоқлар ҳаракатчанлигини, мўлжал олиш малакаси, кўрув диққати, расмлардан фойдалана олиш ва фонетико-фонематик нутқни ривожлантириш.

Кутиладиган натижа: Дизартрия нутқ камчилигига эга бўлган болаларда фонетико-фонематик нутқни ривожлантириш, нутқда турли ҳис туйғуларни қўллаш олиш малакаларини ва болаларда боғланган нутқни ривожлантириш, бармоқлар ҳаракатчанлигини ошириш.

Жиҳозлар: Оқ қоғоз ва рангли қаламлар.

Технологияни қўллаш жараёни: Логопед боладан ўз оиласи ҳақида гапириб беришни сўрайди, сўнгра оила аъзоларини расмини чизиб бериш сўралади. (масалан, онаси, отаси, укаси, опаси). Боланинг чизган расми орқали боланинг руҳиятида кечаётган кечинмаларни ҳам аниқлаш мумкин бўлади. Уларни таҳлил этиб, боланинг шахсий варақасига қайд этиб борилади.

Эришилган натижа: Дизартрия нутқ камчилигига эга бўлган болаларда фонетико-фонематик нутқни ривожланади, нутқда турли ҳис туйғуларни қўллаш олиш малакалари ва болаларда боғланган нутқни ривожланади, бармоқлар

ҳаракатчанлиги ошади.

7. “Body технологияси” технологияси

Мақсад: Дизартрия нутқ камчилигига эга бўлган болаларда бармоқлар ҳаракати ва сезгирлигини фаоллаштириш, оғзаки нутқни, фонетико-фонематик нутқни ривожлантириш.

Кутиладиган натижа: Дизартрия нутқ камчилигига эга бўлган болаларда бармоқлар ҳаракати ва бармоқ учи сезгирлигини ошириш, ранглар, инсон тана аъзоларини фарқини тушуниш, оғзаки нутқни, фонетико-фонематик нутқни ривожлантириш.

Жиҳозлар: рангли бўёқлар, оқ қоғоз, инсон тасвири тушурилган расмли карточка.

Технологияни қўллаш жараёни: Боладан инсон танасин чизиб бериш сўралади ва чизилган инсон танасини турли хил ранглар билан боланинг бармоқлари ёрдамида бўяш сўралади. Боладан технологияни бажариш вақтида нима қилисан?, нималарни чиздинг?, қандай ранглардан фойдаландинг? каби саволлар берилади.

Эришилган натижа: Дизартрия нутқ камчилигига эга бўлган болаларда бармоқлар ҳаракати ва бармоқ учи сезгирлигини ошириш, ранглар, инсон тана аъзоларининг фарқини тушуниш, оғзаки нутқ, фонетико-фонематик нутқни ривожланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Архипова Е.Ф. Клинико-педагогическая характеристика детей со стертой формой дизартрии. // Актуальные вопросы теории и практики коррекционной педагогики. – Москва., 2000.

2. Омонов Ҳ.Т., Хўжаев Н.Х., Мадьярова. С.А., Э.У. Эшчоноваларнинг “Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат” дарслиги. Тошкент 2012.

3. Ачилова С.Ж. Дислалия. Дизартрия”. Ўқув қўлланма. Чирчиқ., 2021.

4. Ачилова С.Ж. Махсус мактабгача таълим муассасаларида дизартрия нутқ камчилигини бартараф этишда логопедик иш турлари. “Мактаб ва ҳаёт” илмий методик журнали. Тошкент 2021, 1 сон.

5. Малашичева А.Р. Как логопедическая работа помогает ребенку при дизартрии // Психолого-педагогическое сопровождение общего, специального и инклюзивного образования детей и взрослых : материалы II Всерос. науч.-практ. конф. с междунар. участием (Тула, 7 апр. 2022 г.) / редкол.: С.Н. Башинова [и др.] – Чебоксары: ИД “Среда”, 2022. – С. 37-38. – ISBN 978-5-907561-23-6.

6. Сергеева А.И. Значение сукцессивных функций для развития когнитивных процессов у детей с дизартрией // Психология личностного взаимодействия в современном обществе : сборник материалов I Всерос. науч.-практ. конф. с междунар. участием (Армавир, 12 апр. 2022 г.) / редкол.: И.В. Ткаченко [и др.] – Чебоксары: ИД “Среда”, 2022. – С. 63-66. – ISBN 978-5-907561-25-0.

7. Фомина А.Р. Специфика становления звуко-слоговой структуры речи детей с общим недоразвитием речи / А.Р. Фомина, Э.А. Ажумарова // Развитие образования. – 2019. – № 2 (4). – С. 58-62. – ISSN 2619-1466. doi:10.31483/r-32724

8. Исмаилова И.С. Развитие просодических компонентов речи у детей со стертой дизартрией / И.С. Исмаилова, А.З. Ашурбекова // Современные тенденции развития системы образования : сборник статей – Чебоксары: ИД «Среда», 2019. – С. 209-212. – ISBN 978-5-6041988-3-4.